



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 14 ноябрь, № 222 (4632)

Жума

## ВАТАН ОЛДИДАГИ БУРЧ

Уни сидқидилдан адо этиш ҳар бир йигит учун юксак шарафдир

**Бугун фахр ва ифтихор билан айтиш мумкинки, Президентимиз бошчилигида олиб борилган оқилона сиёсат туфайли мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, сизу бизнинг тинч ва осуда ҳаётимизни ишончли тарзда ҳимоя қилишга қодир бўлган, замонавий курол-яроғ ҳамда ҳарбий техника билан таъминланган, профессионал асосда илҳам ва тезкор Куролли Кучлар барпо этилди.**

### Ифтихор

Бу борадаги кенг қўлмалли ислохотларнинг энг муҳим самараларидан бири сифатида армияда ахлоқий-руҳий ҳамда маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганини мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳарбий жамоаларда ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатлар, энг асосийси, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан муносабат бутунлай ўзгарди. Шу боис эндиликда Куролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқаролари учун нафақат конституциявий бурч, балки шон-шараф ишига айланди. Аскарликка белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтган энг сара, жасур ва мард, интеллектуал салоҳиятли ўғлонлар қабул қилинмоқда. Гувоҳи бўлаётганимиздек, бугун армияда хизмат қилаётган йигитларимиз иродали, матонатли бўлиб, ҳам жисмонан, ҳам маънан камолга етишмоқда.

(Давоми 2-бетда).



### Тиббиёт

Пойтахтимизда Ўзбекистон терапевтларининг бешинчи курултойи ошди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Терапевтлар ассоциацияси, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази томонидан ташкил этилган ушбу тадбир ички касалликларни ташхислаш, даволаш ва тиббий реабилитациянинг долзарб масалаларига бағишланди.

## Терапевтлар анжумани

Курултойда бир ярим минг нафардан ортиқ юртимиз шифокорлари, олимлар, тадқиқотчилар билан бирга Россия, Украина, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатлардан ҳам мутахассислар иштирок этмоқда. Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини тубдан оқсатириш, даволаш муассасаларининг моддий техника базасини янада мустаҳкамлаш борасида салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Бинобарин, бирламчи тиббий хизмат тизими тубдан яхшилانганлиги, ихтисослаштирилган ўнлаб тиббиёт марказлари ташкил этилганлиги ва соҳада кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда юртимизда фармацевтика sanoatining rivojlanganligi ana shu sayb-xarakteratlar natijasidir. Айниқса, Президентимизнинг 2007 йил сентябрь ойида қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони асосида олиб борилган ислохотлар ўзининг иқобий самараларини бермоқда. Унга қўра, мамлакатимизда мавжуд тўртта ихтисослаштирилган тиббий марказ қаторига тизимда

(Давоми 2-бетда).

## ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Берлинда «Германия-Марказий Осиё» иқтисодий ҳамкорлик имкониятлари» мавзусидаги иқтисодий анжуман бўлиб ўтди.**

Ўзаро ахборот алмашиш ва тўғридан-тўғри тадбиркорлик алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда Германия билан Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг ўзига хос дастури вазирасини ўтовчи мазкур халқаро анжуман Германия Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик Федерал вазирлиги (BMZ) томонидан Германия Қўшма савдо-саноат палатаси (DINK) ва Германия техник ҳамкорлик жамияти (GTZ) кўмағида ташкил этилди.

Бу каби иқтисодий анжуман илк бор 10 йил муқаддам — 1998 йил 5-6 ноябрь кунлари Бонн шаҳрида ўтказилган

эди. Бу галги анжуман ана шундай тадбирларнинг учинчиси бўлди.

Анжумани очар экан, Германия иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик Федерал вазир Хайдемари Вичорек-Цойль хоним Германия билан Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик Европа билан Жануби-шарқий Осиё минтақасини боғлаб турувчи бугун сифатида тобора муҳим аҳамият касб этаётганини қайд этди. «GFР ҳукумати мазкур минтақа давлатлари билан ҳамкорликнинг янада фаоллашуvidan манфаатдор», деди вазир.

### Биз ва дунё

Анжуманда Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Э. Ганиев сўзга чиқди. Делегация раҳбари минтақада истиқомат қилаётган 60 миллионлик аҳолининг қарий ярми яшаётган Ўзбекистон Европа билан Жануби-шарқий Осиё ўртасидаги транспорт ва телекоммуникация йўлига эканликни таъкидлади, ҳар томонлама ўйланган ислохотлар ва модернизация жараёни эвазига Ўзбекистон ҳукумати нафақат иқтисодий барқарорлик, кенг қамровли, тизимли ва институционал ислохотларга, балки иқтисодий либераллаштириш ва унинг доимий ўсиб боришига ҳам эришишга муваффақ бўлди.

Бу, ўз навбатида, ташқи савдо ай-

ланмасининг мунтазам кенгайиб бориши ва сармоялар қамровининг ўсишига имконият яратди.

Анжуман доирасида халқаро форум иштирокчиларига Ўзбекистоннинг сармоявий имкониятлари, инвестор ва ишбилармонлар учун яратилган шарт-шароитлар, сармоявий фаолиятнинг ҳуқуқий-меъриий асослари, имтиёзлар кенг акс эттирилган маълумотлар бурчаги ташкил этилди.

Тадбир давомида «Қишлоқ ва озиқ овқат ҳўжалиги», «Инфратизимнинг кенгайиши — буржот ташлаш таҳрири ва ва лойиҳа устида ишлаш», «Энергия манбаларини янгилаш» «Молиялаштириш усуллари ва кўмаклашув дастурлари» каби мавзуларда ихтисослаштирилган анжуманлар бўлиб ўтди.

Иштирокчиларнинг умумий эътирофига қўра, Германиянинг технологик имкониятлари ва минтақамизнинг захира салоҳияти савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг ривожланиши учун асос бўлади.

Шухрат УМИРОВ, «Жаҳон» АА мухбири, Берлин.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, маънавийтини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшлар йилларида мазкур йўналишдаги ишлар ҳажми янада ортди.

## Санъат ҳафталиги

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан болалар мусика ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Санъат ҳафталиги»да ўғил-қизлар ўз иқтидорини намойиш этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ёшларнинг миллий ва жаҳон мусикасининг юксак намуналаридан баҳраманд бўлиши учун зарур шартот яратиш, бошланғич мусикий таълим тизимини тубдан такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Савдо ва коммунал тўловларни амалга оширишда пластик картчанинг қулайлигини ҳамма билиб қолди.

## Пластик карточка — қулай восита

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида аҳоли қўлидаги пластик карточкалар сони 250 мингдан ошди. Фақат жорий йилнинг тўққиз ойи ичида 35 минг киши пластик карточкага эга бўлди, банк терминаллари сони эса 1120 тага етказилди. Бу аҳолининг фойдаланилган электр энергияси, газ, сув ва бошқа коммунал тўловларни нақд пулсиз амалга ошириши учун кенг имконият яратмоқда. Бунинг натижасида вилоятда тўққиз ойда пластик карточка орқали баҳарилардан савдо ва хизмат кўрсатиш айланмаси ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар ошди, 35,6 миллиард сўмни ташкил қилди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида 4-халқаро ихтисослашган «PharmExpoUzbekistan» кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

## Кўргазмада — дори-дармонлар

Мазкур тадбир «ZarExpo» миллий кўргазма компанияси томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазмада юртимиз фармацевтика бозорига фаолият юритаётган 30 дан ортиқ миллий ва хорижий корхона ҳамда фирмалар иштирок этмоқда. Россия, Покистон, Ҳиндистон, Ўзбекистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Сурия, Саудия Арабистони каби мамлакатларнинг дори-дармон маҳсулотлари тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ж. элмуродов.

Жиззахда «ERYA plastic» Туркия хорижий корхонаси фаолият бошлади.

## Чет эл сармояси хисобига

50 нафар ишчи-хизматчилардан иборат жамоа чанқовбосди ичимликлар, усимлик ёғи, мойлаш материаллари каби маҳсулотлардан бўшган пластик идишлардан меьбеласозлик ва автомобил-созликда қўлланиладиган суғий момик ишлаб чиқармоқда.

Айни пайтда корхона ойига 200-250 тонна пластик чиқиндиларни қайта ишлаш қувватига эга. Ишлаб чиқарилаётган ярим тайёр маҳсулотлар Туркияга экспорт қилинмоқда.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фарғонада ахборот-кутубхона марказлари фаолиятини замон талаблари даражасига кўтаришга бағишланган 5-халқаро анжуман бўлиб ўтди.

## Монитордан таралган зиё

Тадбир иштирокчилари вилоят ахборот-кутубхона маркази фаолияти билан яқиндан танишдилар. Айниқса, ушбу марказдаги компьютерлар «Зиё НЕТ» тармоғига уланиб, дунёнинг ўнлаб машҳур кутубхоналари билан алоқа ўрнатилгани, китобхоналар учун ердаги китоблар, қўлланмаларни ўқуш имконияти яратилгани анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## СИМСИЗ ТИЗИМЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Тошкент шаҳрида «Симсиз тизимларни жорий этишнинг ҳуқуқий, техник ва иқтисодий жиҳатлари» мавзусида семинар иш бошлади. Тадбирни Халқаро телекоммуникациялар иттифоқи («ITU») Алоқа соҳасида минтақавий ҳамжамият ва Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этди. Унда Ўзбекистон, Россия, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбойжон, Молдова, Туркия ва бошқа мамлакатлардан вакиллар иштирок этмоқда.

Семинар дастурида симсиз алоқа тизимидagi энг янги технологиялар қўриб чиқилмоқда, уларни амалиётга жорий этиш жараёнини таҳлил қилиш, тажриба алмашиш, вакиллари семинарда иштирок этаётган мамлакатларда мавжуд эҳтиёжларни аниқлаш назарда тутилмоқда.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бош директори Ш. Содиковнинг таъкидлашича, мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан энг янги ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва ҳаётимизнинг

барча соҳаларига жорий этиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Замонавий симсиз алоқа тизими ҳам ушбу технологияларнинг бир қисми ҳисобланади.

### Семинар

Истиқлол йилларида мазкур соҳа муҳим инвестициялар ёрдамида жадал ривожлантирилди, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатишда унинг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. Корхоналарнинг иш-

(Давоми 3-бетда).

## РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ — ТАРАҚҚИЁТ БЕЛГИСИ

Унда мамлакатимизда рақамли телевидениега ўтиш бўйича бугунга қадар амалга оширилган ишлар ва муаммолар хусусида сўз борди. Таъкидлаш жоизки, рақамли технологияларни жорий қилиш туфайли телекоммуникацияларнинг жадал сурияда ривожланиши телевизион эштитиришларини янада сифатлироқ даражага кўтариш имконини беради. Айни пайтда Тошкент ва Бухоро шаҳарларида ер усти рақамли телекўрсатувларини таъхирба-синов ҳудудини ташкил этишга киришилган.

Рақамли телевидение дастурларини тарқатуви қурилмаларни етказиб берувчи компанияларни аниқлаш бўйича 2007 йил июнь-июль ойларида ўтказилган тендер ҳулосаларига қўра, 20 августда Тошкент ва Бухоро шаҳарларида рақамли телевидение таъхирба-синов ҳудудини ташкил этиш учун Япониянинг «NEC» компаниясининг қурилмаларини етказиб берувчи «INVERSON TECHNOLOGIES SA» компанияси ҳамда Германиянинг таникли «Родэ Шварц» ком-

### Тадбир

Унда агентлик тизимидagi корхона, ташкилотлар ва «NEC» компаниясининг мутахассислари қатнашдилар.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг техник ўқув марказида Япониянинг «NEC» компаниясининг қурилмаларини етказиб берувчи «INVERSON TECHNOLOGIES SA» компанияси ҳамда Германиянинг таникли «Родэ Шварц» ком-

Элбек ДОЛИМОВ.

## Телекоммуникация тармоғи кенгаймоқда

БИР РАҚАМ ШАРХИ

2008

йил 1 ноябрь ҳолатига қўра, «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг маҳаллий телекоммуникация тармоғидаги АТСлар сони

2 мингтадан ортди.

Президент Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган 2010 йилгача Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини реконструкция қилиш ва ривожлантириш миллий дастури босқичма-босқич амалга оширилаётгани туфайли шундай натижага эришилди.



Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

САЙЛОВ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТМОҚДА

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 30 сентябрда қабул қилинган қарорига мувофиқ фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови давом этмоқда.

Бухоро

Жондор туманидаги Пахтадор маҳалла фуқаролар йиғинида 2188 нафар аҳоли истикомат қилади. Шу ҳудудда яшовчи ҳар 31 кишидан бир нафардан вакил сайлаб олинди. Мақсад — маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш. Вакилларнинг бари оқу қорани таниган, ҳаёт тажрибасига эга кишилар. — Бугун зиммамизга анча масъулиятли вазифа юклаган, — деди шу вакиллардан бири Бахтиёр Жалилов. — Уч нафар номзод орасидан маҳалламизга етакчи сайлаб олишимиз керак. Бўлгуси раис эл қувончу ташвиштини ўртада баҳам қўрадиган, одамлар кўнглига йўл топа оладиган бўлмоғи лозим, албатта. Рўзиқул Давлатов, Тоғай Наврўзов сингари вакиллар ҳам маҳаллада амалга оширилган бир қатор ишларни эътироф этган ҳолда маҳалланинг сайланажак янги етакчисига барча масалаларда елкадош бўлишимиз керак, деган фикрини ўртага ташлашди. Очиқ-ошкора, муқобиллик асосида ўтган

сайловда маҳаллага янги раис сайланди. Тумандаги Чорзона, Ёш куч, Зарафшон, Самончўк маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловошкоралик, демократия тамойиллари асосида ўтди. Тумандаги жами 51 та ўзини ўзи бошқарув органида сайловлар ўтказилади. Бу муҳим тадбирда сайловни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари ташаббускор бўлишмоқда. Уларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тайёрланган мезъий ҳужжатлар тўплами ҳамда зарур тавсиялар етказилган. Кўча ва қишлоқлардан сайланган 2785 нафар вакилнинг барчаси обрў-эътиборли, маҳаллага қайишадиغان инсонлардир. Улар маҳалла етакчиси ва унинг маслаҳатчилари вазифасига энг муносиб номзодлар учун ишонч билан овоз беришяпти. Ишонч эса оқсоқолга қанот бағишлайди. И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фарғона

Демократик тамойиллар асосида ташкил этилаётган ўзини ўзи бошқариш органлари сайлов Фарғона вилоятида ҳам уюшқоқлик билан ўтаётди. Фарғона шаҳри Шароф Рашидов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини намунали маҳаллалардан бири. Мазкур маҳалла фуқаролар йиғини худудда бугунги кунда 20 дан ортиқ савдо, сервис ва хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ишлаб турибди. 39 та кўп қаватли уйда коммунал хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб бормоқда. Кейинги йилларда бу ерда жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кескин камайди. Мазкур фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайловда номзодларнинг аҳоли ўртасидаги обрў-эътибори, раҳбарлик салоҳияти, ишчанлиги, билими ва дунёқарашига алоҳида эътибор қаратилди. Сайловчилар вакиллари маҳаллада ечимини қутаётган муаммолар, йиғин раиси ва маслаҳатчилари олдига турган муҳим вазифалар ҳақида сўз юритдилар. Сайлов давомида мазкур вакилларнинг бажаришга қодир энг муносиб номзодлар учун овоз берилди.

М. СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири.

Сурхондарё

Термиз шаҳридаги «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган сайловда халқ вакиллари муқобил номзодлар орасидан энг муносиби учун овоз беришди. — Сайлов аҳолининг фаол иштирокида уюшқоқлик билан ўтмоқда, — дейди Термиз шаҳар фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия раиси Парда Холматов. — Улар номзодлар орасидан энг фаол кишиларни сайлаб олмақдалар. Ҳозиргача шаҳардаги ўндан ортиқ фуқаролар йиғинларида раис (оқсоқол) ва маслаҳатчилар демократия ва ошкоралик тамойиллари асосида сайланди. Х. МАМАТРАЙМОВ, ЎзА мухбири.



1992 йилнинг 8 декабри Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган улуг санадир. Шу туйғайли бу кунни байрамона нишонлаш халқимизнинг ананаларидан бирига айланди. Тарихий ёндашганда, 16 йил унчалик катта фурсат эмас, лекин мамлакатимизда олиб борилган қонунчилик ва бунёдкорлик ишларига назар ташласак, ҳар бир йил асрларга тенг эканлигини англаймиз.

ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Йиллар ўтгани сайин биз ушбу тарихий ҳужжатнинг давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида тутган бебаҳо ўрни ва аҳамияти, қадр-қиммати тобора ортиб бораётганини янада тереанроқ ҳис этмоқдамиз. Мухтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Конституциянинг қадр-қиммати ва нуфузи, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ҳамда аҳамияти йиллар ўтгани сари ортиб боради. Конституцияимизнинг бешинчи бўлими, аниқроғи, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайлашни ҳуқуқини кафолатловчи йиғирма учинчи бобининг амалий ифодасини мамлакатимиз тарихида икки палатали парламентга илк бора ўтказилган сайловларда, 2007 йилнинг 23 декабрида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов жараёнида кўридик. Жамият ҳаёти-

нинг барча жабҳалари сингари эркин демократик сайловларнинг ҳуқуқий асослари ҳам Конституция ва унга мувофиқ қабул қилинган қонунларимизда мукамал ифода этилганлигига яна бир қарра амин бўлдик. Мамлакатимиздаги сайловлар ўтказиш бўйича ўзига хос тизим ва сайловларнинг ўзи сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг фаоллигини кучайтирди, уларнинг масъулиятини оширди. Миллий сайлов қонунчилигимизга биноан, сайловларда иштирок этиш ҳамма учун эркиндир. Ўз навбатида, эркин демократик сайловларга оид барча муҳим принциплар Конституцияимиз ва сайлов тўғрисидаги қонунчилигимизда батафсил ифода этилган. Фуқароларнинг Конституция ва бошқа қонуларда мустаҳкамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасидадир. Бундай ҳаётбахш жараённинг ҳуқуқий омили эса, аввало, Конституцияимиздир.

Менинг Конституциям

лаҳатчилари сайлови давом этмоқда. Мазкур моддадан келиб чиқиб, шуни эътироф этиш жоизки, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидagi маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

қонунлари билан белгиланган. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда сайловни ўтказиш жараёнига мамлакатимиз демократик янгилаш ва модернизациялаш борасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» принципини амалга оширишдаги ролини кучайтиришга қаратилган энг муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳаётдаги амалий

ифодасини таҳлил этар эканмиз, унинг нақадар мукамал ишлаб чиқилганлиги, нафақат ўз даврининг муқаддас қомути, балки ёруғ ва буюк келажакнинг ҳуқуқий пойдевори сифатида қабул қилинганлигига яна бир қарра амин бўламиз. Ҳар бир инсоннинг камолоти, унинг эркинлиги, юксак турмуш даражаси, фаровон ҳаёти ва фаол меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмунини ташкил этади. Конституцияда Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишига асосий принциплари аниқ ифодаланиб, давлат ҳокимиятининг қонун чикарувчи, ижро этувчи ҳамда суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим принцип сифатида белгиланган. Шунингдек, инсон ҳуқуқларининг барча манфаатлардан, умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг эса миллий ҳуқуқий нормалардан устуңлиги ҳам Конституцияда муҳимлаб қўйилган. Конституцияимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш бoш мақсад қилиб қўйилган, биз кураётган ҳуқуқий демократик жамиятнинг асосий тамойиллари аниқ-равшан белгилаб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда кечаётган кенг кўламли ислохотлар, демократик ўзгаришларнинг ҳуқуқий асосидир.

Шохруҳ МАЖИДОВ, ҳуқуқшунос.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида шаҳардаги мавжуд ўттизта болалар мусика ва санъат мактаби маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси тизимидан халқ таълими бош бошқармаси тасарруфига ўтказилди. Ҳозир олти минг олти юз нафардан ортиқ ўқувчи таълим-тарбия олаётган ушбу мусика ва санъат



Санъат ҳафталиги

ат мактабларида салкам минг нафарга яқин ўқитувчи меҳнат қилмоқда. Мусика ва санъат мактабларини ўқув услуби воситалар, адабиётлар билан таъминлаш, фан кабинетларини зарур қолғу асбоблари билан жиҳозлаш, ўқитувчилар, педагог-концертмейстерларни қайта тайёрлаш, уларнинг касб малакаси ва маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бир ҳафта давом этган санъат байрами доирасида ўқувчилар Ўзбекистон Давлат консерваторияси, пойтахтимиздаги маданият ва санъат саройлари, болалар бадиий ижодиёти муассасалари фаолияти билан танишдилар. Бастикорлар, мусикашунослар иштирокида давра суҳбатлари, ижодий мулоқотлар, анжуманлар, маҳорат сабоқлари ўтказилди, болалар бадиий жамоалари ижросида концертлар ташкил этилди. Уларда мусика ва санъат мактаблари ўқувчилари ижросида юртимиз ва хоржик композиторларнинг ижодидан намуналар янгради. Назолат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

ВАТАН ОЛДИДАГИ БУРЧ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, шу кунларда Президентимизнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига навбатдаги чакирув тўғрисида»ги қарори асосида жойларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ёшларни тантанали кути олиш маросимлари

ташкил этилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири кеча Тошкент темирйўл вокзалида бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Чегара қўшинлари ва Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмларида Тошкент вилоятидан бориб хизматни ўтаб қайтган йигитлар кутиб олинди. Бу ерга вилоят ҳокимлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, «Нуруний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши ҳамда Меҳнат

бўлиб қайди. Анча ўзгарибди. Қувончлиси, унга тавсиянома ҳам беришибди. Энди ўғлим ҳарбий йўналишдаги олий ўқув юрталаридан бирига кириб, ридан бирига кириб, келгусида ҳарбий касб эгаси бўлмоқчи. Тадбир сўнгига йиғилганлар уйига қайтган аскарларга катта ҳаёт йўлида оқ-йўл тилашди. Шавкат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Терапевтлар анжумани

(Давоми. Боши 1-бетда).

даволашнинг турли соҳаларига мўлжалланган замонавий диагностика ва тиббий ускуналар билан жиҳозланган яна олти та муассаса қўшилди. Айни пайтда янгидан бунёд этилган Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази мутахассислари томонидан икки касалликлар бўйича аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. — Юртингизда соғлиқни сақлаш, хусусан, кардиология ва терапия соҳаларида жаҳоннинг кўп давлатлари ўрганган арзийдиган тажриба тўпланган, — дейди Россиянинг А. Л. Мясников номидаги кардиология институти профессори Юрий Карпов. — Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар жараёнида аҳолига хошиналик тиббий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда соҳа ривож учун ажратилаётган бюджет маблағларига ҳавас қилса арзийди. Қурултойда икки касалликлар профилактикаси, уларни урганишда фундаментал текширувлар, диагностикада янги технологиялар, артериал гипертензияни даволаш, суррукали ўпка касалликлари муолажаси каби мавзуларда маърузалар тингланиб, муҳокама этилди. Ф. САНАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҲАММАСИ БОЛАЛАР УЧУН

Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» маҳмонхонасида «Болалик худуди» — бўлгуси оналар, болалар ва ўсириллар учун товар ва хизматларнинг биринчи халқаро ихтисослашган кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Бу тадбирни ўтказишдан қўзланган мақсад, болалар ва ўсириллар учун махсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ушбу соҳадаги янгиликларнинг оммалашуви, ёшларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланувчилар ўртасидаги ўзаро мулоқотни кенгайтиришдан иборатдир. Мазкур кўргазмада болалар учун озуқа ва ичимликлар, шифобахш витаминлар, пойабзаллар, болалар бочгалари учун интерер предметлари, ётоқхона анжумлари, турли ўйинчоқлар ва шу каби махсулотлар намойиш этилмоқда. Ю. БҮРОНОВ.

Янгиариқ тумани марказидаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг биноси одамлар билан гавжум. Бу ерда тадбиркорлар ўз махсулотларини намойиш этаётган бўлсалар, хунармандлар тўпланганларнинг кўз ўнгига дастгоҳларини ишга солиб, маҳоратларини кўрсатмоқда. Мактаб ва коллежлар ўқувчилари, айнақса, ёғоч ўймакорлари ва зардўзларнинг ишларини қизиқиб томоша қилишяпти.

ҲАР ОИЛАНING ДАРОМАДИ БОР

Бу беҳиз эмас. Уларнинг юз-кўзлариндан ҳар бир хунарнинг ҳаётда қанчалик асқотишини дилдан ҳис этиб, қайсидир касбни эгаллашга аҳд қилганлари шундоққина сезилиб турарди. Ҳоразм вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан ташкил этилган «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ана шундай кўтаринки рўқда ўтди. Ярмарка жараёнида 180 та корхона ва ташкилот бўш иш ўринларини таклиф қилди. Яқунда 200 нафар киши улар билан меҳнат шартномасини имзолади. 20 нафар йигит-қизнинг эса миллий кўтаринчилик усталари билан биргаликда ишлаш, уларга шогирд бўлиш орузи ушалди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, жорий йил бошидан буён вилоятда 40 дан зиёд ана шундай меҳнат яратиш ўтказилди. Уларда салкам 1700 нафар фуқаро қатнашиб, шулардан 6500 нафарига турли корхона ва ташкилотларда доимий иш-

лаш учун йўланмалар берилди. Йўланмаларни қўлга киритганларнинг 3000 нафарга яқини коллеж битирувчилари эканлиги қувончликидир. — Меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш борасида учрайдиган баъзи муаммоларни бартараф этиш энг муҳим вазифаларимиздан биридир, — дейди Ҳоразм вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Рўзимбой Қурбанов. — Барчага аёнки, юртимизда мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган ишончли ижтимоий ҳимоя тизимини биргина кам таъминланган, кўмак ва ёрдамга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш масаласини камраб олмайдди. Бу ниҳоятда кенг камровли ва кўп қиррали жараён. Жумладан, янги иш ўринлари яратиш, меҳнатга лояқатли кишиларни қўриқтиришга яраша ишга жалб қилиш, шу орқали уларнинг оилаларини даромад манбаи билан таъминлаш ҳам ижтимоий ҳимоя доирасига қиради. Шу боис Президентимизнинг 2007 йил 6 апрелдаги «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбир-

Бандлик

лари тўғрисида»ги Қарори талаблари асосида иш юритаяпмиз. Тажриба юзага келган ижобий ва салбий ҳолатларни қайд этиш билан кутилган натижага эришиб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Шу маънода, вазиятга ҳақоний баҳо бериш, муаммоларни урганиш ва ечимини жойида топшигина самара беради, деб ўйлаймиз. Рўзимбой ака айтганидек, бошқарма ходимлари муаммоларни жойида урганиш, банд бўлмаган аҳолини кўпроқ ишга жалб қилиш мақсадида туманларда, қишлоқларда, маҳаллаларда юриб, мониторинглар ўтказишяпти. Натияжада ҳар бир ҳудуд бўйича ишсиз фуқаролар

тўғрисида маълумотлар шакллантириш орқали ҳам аҳолини, айнақса, кўпалаб ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишга эришиляпти. Жорий йилнинг ўтган ойларида 297 та корхона ва ташкилотларда, шунингдек, хунармандчилик ҳоҳсида 3445 та касаначилик иш ўрни яратилиб, улар томонидан 1 млрд. 46 млн. сўмдан ортиқ махсулот ишлаб чиқарилганлиги фикримиз далолидир. Бошқарманинг, шунингдек, пенсия таъминоти, ижтимоий ёрдам ва кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш юзасидан олиб бораётган ишлари ҳам эътиборга лойиқ. Елғиз, кекса пенсионерлар, ногиронларга ҳар томонлама хизмат кўрсатиляпти. Ўтган даврда 155 нафар киши ногиронлар аравачаси билан бепул таъминланган. 65 нафар қарияга зинтиш мосламаси, 190 нафар ногиронга протез-ортопедия махсулотлари берилди. 1580 нафар уруш ва меҳнат фак-

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Муштарак алоқалар

Навоий шаҳридаги «Фарход» маданият саройида «Ўзбекистон-Бельгия қўнлар» мавзусига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти С. Ғулломов, Бельгиянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси фахрий консули жаноб Жан-Клод Божан, «Ўзбекистон-Бельгия» дўстлик жамияти ижрочи директори Ф. Умаров ва бошқалар истиқлол йилларида икки мамлакат ўртасида икки мамлакат иқтисодий, маданий алоқалар ҳақида гапирдилар. Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**ЖАҲОН**

24 соат ичида

**Тафовут тўрт минг доллар**



Германиянинг «BMW» автомобилсозлик компанияси АҚШ бозорига дизель ёнилгиси билан ҳаракатланадиган машиналар нархини оширишга қарор қилди, дея хабар беради «Automotive News».

Маълумотларда келтирилишича, энди бензин ва дизель ёнилгиси билан юрадиган автоуловлар нархи ўртасидаги тафовут 4 минг АҚШ долларини ташкил этади. Мисол учун, океанorti бозорларида дизель моторли «BMW X5 xDrive35d» русумли «темир тулпор»ларига 52,02 минг АҚШ доллари миқдорига нарх белгиланди. Компаниянинг бензин билан ҳаракатланадиган «BMW X5 xDrive30i» автоуловини эса 47,09 минг АҚШ доллариға сотиб олиш мумкин.

«BMW» компанияси экспертларидан бирининг айтишича, бугунги кунда АҚШда дизель ёнилгисининг баҳоси бирмунча арзон. Шу боис, мамлакат фуқароларининг шу турдаги ёнилги билан юрадиган машиналарга талаби ортиб бормоқда.

**Бозорда портлаш**

Бангкокнинг Клонг Той туманидаги бозорда портлаш юз берди. Бу ҳақда «Associated Press» ахборот агентлиги хабар қилди.

Хунрезлик сотувчилар бозорининг янги маъмуриятига қарши норозилик намоиши ўтказётган чоғда амалга

оширилган. Натижада 13 киши тан жароҳати олди. Улардан икки нафарининг ахрولي оғирлиги айтилмоқда.

Маҳаллий полициянинг таъкидлашича, портлаш қўбола портловчи қўрилмани ҳаракатга келтириш натижасида содир бўлган.

**Осмондаги ёнғин**

АҚШ қуролли кучларига тегишли «F-16» қирувчи самолёти Бағдод шаҳри шимолидаги аэродромда парвозни амалга ошириш чоғида ёнғин кетди.



Фалокат юз берган вақтда экипаж аъзолари кутқариб қолинди. Улар турли даражада тан жароҳати олгани боис яқин орадаги касалхоналардан бирига ётқизилдилар. «Associated Press» хабарига айтилишича, ҳозирча самолётнинг ёниб кетишига сабаб бўлган омиллар ҳақида аниқ маълумот йўқ.

**Бино қулаб тушди**

«AFP» тарқатган маълумотга қараганда, Гаити пойтахти Порт-о-Пренс шаҳрида мактаб биноси қулаб тушган.

Фожиа юз берган вақтда бинода 350 киши бўлган. Нормасий маълумотларда келтирилишича, бахтсиз ҳодиса оқибатида 7 киши жароҳатланди. Гарчи бино қулаб тушишининг ҳозирча аниқ сабаби айтилмаган бўлса-да, айрим таҳминларга қўра, фожиа мамлакатда кузатилган

кучли шамол туфайли келиб чиққан бўлиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 7 ноябрида Порт-о-Пренсда бошқа бир мактаб биносининг қулаб тушиши натижасида 93 киши ҳалок бўлган, 150 киши эса турли даражада тан жароҳати олганди.

**Хатарли кўрфаз**

Сомалилик қароқчилар Аден кўрфазига Туркияга тегишли бўлган танкер (юк ташувчи кема)ни гаровга олди, дейилади «AFP» ахборотида.



Маълумотларга қараганда, кемага кимёвий моддалар жойланган бўлиб, у Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳридаги портта олиб кетилаётганди. Айни пайтда танкернинг экипаж аъзолари тақдирини ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Таъкидлаш жоизки, сўнгги вақтларда Аден кўрфазига кемалар катнови учун дунёдаги энг хавфли ҳудудга айланган қолди. Бу ердаги қароқчилар деярли ҳар қандай сув транспортини воситаларига ҳужум уюштирмоқда. Шу боис, кузатувчилар боқсунчилардан химояланиш учун БМТ ҳудудга хоржий давлатларнинг ҳарбий кемалари қириши масаласини ҳал этиши керак, деган фикрда.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

**СИМСИЗ ТИЗИМЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон дунёда иккинчи тўлқин WiMAX мобил технологияси ўзлаштирилаётган илк мамлакатлардан бирига айланган. Бу машҳур Жанубий Кореянинг «Korea Telecom» ва Япониянинг «Sumimoto Corporation» компаниялари етакчи мутахассисларининг сўнгги ишланмаларига асосланган бугунги кундаги энг илғор телекоммуникация технологияси ҳисобланади. Ушбу компаниялар иштирокида пойтахтимизда EVO сав-

до белгиси остида хизмат кўрсатаётган «Super iMax» компанияси ташкил этилди. Бу, аввало, Интернетдан юқори тезлик билан симсиз фойдаланиш, телефония ва виртуал симсиз тармоқли ечимлар(VPN) демакдир.

Бугунги кунда WiMAX технологияси Тошкент шаҳри, пойтахт вилояти, Самарқанд, Андижон ва Фарғона вилоятларини қамраб олмақда. 2009 йил охирига келиб «Super iMax» компанияси Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида WiMax сим-

сиз алоқа технологияларини жорий этади.

Семинар иштирокчилари ахборот ресурсларининг ўсиши ва барқарор ривожланишини таъминлаш, одамлар қаерда бўлишдан қатъи назар, шаклландирилган ахборот жамияти ва глобал иқтисодийнинг иштирокчиларига айланиши, уларнинг афзалликларидан фойдаланишига қўмаклашиш зарурлигини таъкидладилар.

Тадбир қатнашчиларининг «Маълумотлар узатиш бўйича симсиз тармоқлардан фойда-

ланишни тартибга солишинг ҳуқуқий масалалари», «Радиодан фойдаланиш тизимининг эволюцияси», «Йўлдош алоқа ва эшиттириш тизимлари», «МДХ мамлакатларида симсиз фойдаланиш тизимларини жорий этиш таҳрибаси», «Телекоммуникацияларда энергия тежайдиган технологиялар – сизнинг ҳамкорингиз» мавзудаги ва бошқа маърузалари ҳам ушбу долзарб вазифани ҳал этишга қаратилди.

В. НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири.

**БАНК САЛОҲИЯТИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ**

Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда дунёда рўй бераётган мураккаб иқтисодий танглик шароитида ҳам барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайдиган иқтисодий сиёсат мамлакатимиз миллий банк-молия тизимини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, жаҳоннинг етакчи рейтинг агентликлари бошқа давлатлар банкларига берган рейтингларини пасайтираётган ёки бир қатор халқаро молия муассасалари рейтингини бўйича салбий кўрсаткичлари қайд этилаётган бир вазиятда Ўзбекистон банклари ўз салоҳиятини намойён этмоқда.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фалият миллий банки матбуот хизматидан хабар қилинишича, жаҳоннинг энг нуфузли «Standarts & Poor's» агентлиги томонидан «Ўзмиллийбанк»ка халқаро шкала бўйича узоқ ва қисқа муддатли «В/В» рейтинглари берилди. Рейтин-

лар ўзгариши прогнози эса «Барқарор», деб белгиланди. Бунгача 2007 йилнинг 26 декабрида Миллий банк Moody's (В3-хорижий валютада, Ва3-миллий валютада) агентлигининг халқаро рейтингини олган эди.

Агентликнинг расмий маълумотида айтилишича, «Ўзмиллийбанк» Ўзбекистонда «Standarts & Poor's»нинг рейтингини берилган биринчи банкдир. Бундан ташқари, «Standarts & Poor's» Миллий банкнинг мамлакатимиз банк бозорига пешқадамлик қилаётгани ва давлат банки сифатида ҳукуматнинг доимий қўллаб-қувватлаши туфайли энг

ишончли молия муассасаларидан бирига айланганини алоҳида эътироф этган.

Шу ўринда «Standarts & Poor's» агентлиги ҳақида ҳам тўхталсак, Бугунги кунда ушбу халқаро агентликда 8500 нафардан ортиқ ходим ишлайди. У дунёнинг 23 та мамлакатда ўз ваколатхоналарига эга. Агентлик 120 мамлакатдаги икки мингдан зиёд банк ва 2,5 мингдан ортиқ корпорациянинг рейтингларини белгиламоқда. Айни пайтда «Standarts & Poor's»нинг бош қароргоҳи Нью-Йорк шаҳрида жойлашган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, дунёнинг энг нуфузли ташкилоти томонидан «Ўзмиллийбанк» фалиятига ижобий баҳо берилиши нафақат Миллий банк жамоасининг, балки юртимиз молиячиларининг ҳам салмоқли меҳнати ва ақлу заковатиға берилган юксак баҳодир.

М. АБДУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурдаги

**Чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш ва ўқитиш маркази**

республикамизнинг истаган фуқароларини Жанубий Корея Республикаси эркин ёллаш тизими талабларидан келиб чиққан ҳолда корейс тили бўйича **25 кунлик ўқув курсларига таклиф қилади.**

Ўқув дастурларини муваффақиятли тамомлаган фуқароларга гувоҳнома (сертификат) берилади.

Ушбу ўқув курсини якунидаги фуқаролар диққатига! Ўқув маркази фуқароларнинг тест ойнавидан ўтиш ва Корея Республикасига бориш кафолатини бермайди.

Гуруҳлар 2008 йил 21-24 ноябрь кунлари мобайнида Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Шифокорлар шаҳарчаси, Камарисо кўчаси, 37-уй (марказ жойлашган бино)да ташкил қилинади.

Вилоятлардан келган фуқаролар кам миқдорда ҳақ тўланадиган ётоқхона билан таъминланадилар.

Маълумот учун телефонлар: 214-88-92, 214-88-32.

МАРКАЗ МАЪМУРИЯТИ.

2008 йил

Ёшлар йили

**Малҳам кашфиётчисига эътиром**

Гарчи қандли диабет касаллигини тўлиқ даволаш усули топилмаган бўлса-да, инсулин моддаси ёрдамида бу хасталикни назоратда ушлаб туриш мумкин. Бу кашфиёт миллионлаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолишига имконият яратди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, бугунги кунда дунёда 200 миллионга яқин одам қандли диабет хасталиги билан оғриган. 1991 йилдан бунён «инсулин» моддасининг кашфиётчиси Фредерик Батинг таваллуд топган кун, яъни 14 ноябрь — Халқаро қандли диабетга қарши курашиш кунини сифатида кенг нишонланади.

Шу муносабат билан «Соғлом авлод учун» жамғармаси қандли диабет билан касалланган бемор болалар учун хайрия акциясини ташкил этди. Тошкент вилояти ва шаҳридан жами 30 нафарга яқин бемор болалар жамғармага таклиф этилиб, уларга зарурий дори-дармон воситалари ҳамда махсус озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Гўзал САТТОВА.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

233-10-60

236-09-25

232-10-63

242-жонна

Email: walk\_suzi@rambler.ru

**ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР**

ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ

**КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ»**

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

**а также:**

**КАФЕЛЬ** (облицовочный и напольный)

**САНТЕХНИКА** (унитазы, умывальники в большом ассортименте)

**ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ**

Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04

Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127

zakamsk-group@mail.ru

NEW HOLLAND AGRICULTURE

Янги трактор

**New Holland TL 5060**

Куввати — 100 от кучига эга.

Кафолат — 1 йил. Барча вилоятларда сервис хизмати кўрсатилади ва эҳтиёт қисмлари мавжуд.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Tel.: 120-60-97, 120-89-58.

Сирдарё вилояти Гулистон тумани Ҳамид Олимжон номидаги фермер ҳўжаликлари уюшмаси аҳолиси ҳам эндиликда сифатли алоқа хизматидан баҳраманд бўла бошлади.

**Янги рақамли станция**

Бу ерда «Коинот» ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланган замонавий рақамли телефон станцияси ишга туширилди. Бу эса турли хоржий мамлакатлар билан боғланиш имконини беради.

— 2010 йилгача туман ҳудудида яна учта ана шундай станция ўрнатилди, — дейди «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Сирдарётелеком» филиали туман боғланмаси бошлиғи Ж.Султонов. — Мақсадимиз туманимизда истиқомат қилаётган 55 мингдан зиёд аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш сифатини янада яхшилашдан иборат.

Д. ЭСОНОВА, ЎЗА мухбири.

«Давархитектқурилиш» кўмитаси томонидан архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун қуйида келтирилган ташкилотларга берилган лицензияларнинг амал қилиши мuddати эълон чоп этилгандан бошлаб 10 кунга тўхтатилади:

- «ТАКТ» хусусий фирмаси
- «LANDSHAFT LEKO» хусусий фирмаси
- «MIR-ZIYO SU» МЧЖ
- «QADRIYAT-TA-MIR» МЧЖ
- «ASU-ENGINEERING» МЧЖ
- «ФИРМА СОЦИНТЕХ» ёниқ акциядорлик жамияти
- «YAPROQ MILLENNIUM» МЧЖ
- «SVETMET-SERVIS» МЧЖ
- «YO'LKOPRIKTA MIRIXTISOS» давлат унитар корхонаси
- «SHO'VA LOGISTIK» шўьба корхонаси
- «TRES» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси
- «DELIGHT» шўьба корхонаси
- «ГПИРОЦВЕТМЕТ» ФГУП
- «JODCHI» МЧЖ
- «BAURUM GROUP» МЧЖ
- «TRANSGAZINJIRING» унитар корхонаси
- «PROSYSTEM ENGENERING» МЧЖ
- «ЮПИТЕР ЛЮКС» МЧЖ
- «SUPER INJGEOLOGIYA» МЧЖ
- «МОДЕРИНГ-ОРБИТА СЕРВИС» ишлаб чиқариш корхонаси
- «ЯККАБОФ АЛАНГАСИ» МЧЖ
- «НАСАФ ГАЗ СЕРВИС» МЧЖ
- «ONIKS-OPAL» хусусий корхонаси
- «TRUMF KASKADA» хусусий корхонаси
- «JU'RASAFAR» лойиҳа ва илмий ишлаб чиқариш хусусий фирмаси
- «UTAM» хусусий фирмаси
- «ISHONCH-QURILISH-LOYIHA» ОАЖ
- «ОМАД-КЎКОН» хусусий корхонаси
- «КАФОЛАТ» ИЧФ
- «СУРХОЛЛОЙИХАҚУРИЛИШИНВЕСТ» хусусий корхонаси

**«Sarbast Plus» МЧЖ ҚҚ**

таъсисчиларининг 2008 йил 3 октябрдаги умумий йиғилиши баённомасига асосан унинг номи

**«UZCARLSBERG» МЧЖ ҚҚга ўзгартирилди**

ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 6 октябрда 474-сон билан давлат реестрига киритилди.

**SONATA**

Ўз йўлингни танла!

КАФОЛАТ — 2 йил.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.


Official Partner

Tel. 250-11-11

Drive your way

Газета ва газетхон:

ЮЗМА-ЮЗ



— Кейинги пайтда ўзим обуна бўлган газеталарни вақтида ололмаёпман. Бунинг учун кимга мурожаат қилмиш керак?

Х. ХОЛМАТОВ. Жиззах шаҳри.

Газетани вақтида ололмаёпман

— Газетхонлар (обуначилар) обуна бўлган вақтда нашрлари ни ўз вақтида олишолмас, обуна кайси корхона орқали (алоқа ёки "Матбуот тарқатувчи" бўлими) расмийлаштирилган бўлса, ўша корхонага мурожаат қилиш мумкин.

С. НАЖИДДИНОВ, "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси бош директори.



— Эҳтиёмимиз учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ёки кийим-кечакни, одатда, бозорлардан харид қиламиз. Лекин бозорларда сотиб олган маҳсулотимиз учун чек берилмайди. Мабодо олган нарсамизга нисбатан бирор-бир эътироз туғилса, уни сотувчи тан олиши учун қандай йул тутишимиз керак?

Ф. ХҲҲАЕВ. Вобкент тумани.

Бозорда чек берилмаса...

— Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни 13-моддасига асосан нўсонли товар харид қилган истеъмолчи, агар бу ҳол шартнома тўғрисида пайтда айтиб ўтилмаган бўлса, ўз хошига қараб қуйидагилардан бирини талаб қилишига ҳақли: товарни айна шундай марказли (модели, артикули) товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишлича қайта ҳисоб-китоб қилиш; товарнинг нўсонларини бепул барта- раф этиш ёки истеъмолчининг ёхуд унинг шах- сининг нўсонларини барта- раф этишга қилган харажатларини қоплаш; харид нархини нўсонга муаносиб равишда қамайтириш, шартномани бекор қилиб, қўрилган зарарни қоплаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

А. МИРАЗИЗОВ, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси вази- фасини бажарувчи.

Сочига оқ оралади

— 13 ёшли қизим бор. Ёш бўлишига қарамай ҳозирданок сочларига оқ оралади. Сабабини била олмай хавотирдамиз. Нега бундай бўлди?

З. НИЁЗОВА. Жарқўрган тумани.

— Одатда сочининг барвақт оқаришига оғир изтиробли кечинмалар, ички секреция без- лари фаолиятининг бузилиши, тана учун зарур бўлган дар- мондорларнинг етishмасли- ги сингари омиллар сабаб бўлади. Одамнинг сочи, шунингдек, жигар фаолияти билан ҳам боғлиқ. Хусусан, агар жигар меъёрида ишлаб тур- са, сочининг рангиди кескин ўзгариш кузатишмайди. Маъ-

лумки, жигар ҳам бошқа аъзолар каби бош мия назо- ратида ишлайди. Шу боис бош ми- ядаги ўзгаришлар (руҳий ҳолат сабаб) жигарга ҳам таъсир қилиши мумкин.

Тальят НАБИЕВ, тиббиёт фанлари доктори.

— Оиласида судланган бирор киши бўлса, Ички ишлар вази- рлиги тизимида фаолият кўрсата олма- слиги ҳақида эшитилганман. Бу ҳақиқатга қанчалик яқин?

К. АЗИМОВ. Урганч шаҳри.

Чеклаш қайд этилмаган

— Ўзбекистон Республикаси Вази- рлар Маҳма- сининг 1993 йил 8 январдаги 16-сонли қарори билан тасдиқланган "Ички ишлар идораларида хиз- мат ўташ тўғрисидаги муваққат Низом"нинг 4-банди иккинчи хатбошида муқаддам жиноят содир эт- ган шахслар ички ишлар идораларида хизмат қили-

ши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Лекин унда номзоднинг оила аъзолари юзасидан чеклашлар қайд этилмаган.

И. ТУРҲУНОВ, ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи.

— 2008 йилда иш- лаб чиқарилган "Нек- сия" русумли автома- шинам бор. Янги со- тиб олинган автоулов бир йил мобайнида сотилса ёки ҳада қилинса, катта миқдорда пул тўлаш керак, деб эшитдим. Агар автомашинамни ўғлимга ҳада қил- сам, бунинг учун қанча бож тўлашим керак?

Ш. НАЗАРОВ. Қосон тумани.

Дарахтни кесишга шошилманг

— Кўча бўйидаги дарахт уйи- мизнинг коммуникация тармоқла- рига (электр сими, қувурлар, те- лефон симларига) халақит бера- япти. "Дарахтни кесай" десам, маҳалла оқсоқоли тегишли таш- килотдан рўхсат олинг, деппти. Кимга мурожаат қилишим керак?



А. КОСИМОВ. Гулистон шаҳри.

— Ўзбеки- стон Респу- бликаси- нинг "Ўсимлик дунё- сини муҳофа- за қилиш ва ундан фойда- ланиш тўғрисида"ги Қонуни 15-моддаси 2-хатбоши ҳамда Вази- рлар Маҳма- сининг 2004 йил 28 октябрдаги қарори 1- илова- сисиди "Ўсимлик дунё- си объектларидан фойдала- ниш, уларни Ўзбекистон Рес- публикасида олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чи- қиш тартиби тўғрисидаги Ни-

малар бериш тартибига асо- сан давлат захира ерларида пичан ўриш ва чорва мол- ларини ўтлатишга, ўрмон фонди- га кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кес- шишга рўхсатнома — маҳал- лий давлат ҳокимияти орган- лари томонидан берилди.

Юқоридагиларни иноба- та олиб, уй ва коммуника- ция тармоқларига халақит бераётган дарахт ва буталар- ни кесиш учун юридик ва жисмоний шахслар ариза билан маҳаллий давлат ҳоки- мятига мурожаат қилишля- ри керак.

Р. ХАБИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари вази- фасини бажарувчи.

— Фирмаимиз ишлаб чиқараётган маҳсулот хори- жликларни қизиқтириб қолди. Лекин экспорт савдосини қандай йўлга қўйиш бўйича етарли тасаввурга эга эмасман. Бу борадаги йўл-йўриқ- лар ҳақида қардан маълумот олишим мумкин?

С. КЕНГБАЕВ. Нукус шаҳри.

Экспорт қилмоқчимиз

— Экспорт фаолиятини энди- гина бошлаётган ишлаб чиқарувчилар ўзбек ва рус тилларида нашр этилган "Экспорт фаолияти бўйича қўлланма"дан фойдаланишлари мумкин. Унда тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолияти, уни тартиб- га солиш ва рағбатлантириш, ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби ҳақида маълумотлар ўрин олган. Қўлланмани Ўзбеки- стон Савдо-саноат палатаси ҳамда унинг жойлардаги бўлим-

ларидан бепул олишингиз ёки у билан Интернетдаги www.chamber.uz саҳифасида танишиб чиқшингиз мумкин.

Сайёра АТОЕВА, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғи.

Машинами ҳада этмоқчи эдим



— Вази- рлар Маҳма- сининг жорий йил 29 фев- ралдаги 35-сонли қарори билан тасдиқланган иловага асосан 2008 йил 1 апрелдан мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, муассаса- лар ва ташкилотлар ҳамда фуқаролар ўртасида Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган, фойдаланиш мuddати ишлаб чиқарувчининг рас- мий дилерларидан харид қилинган қундан бош- лаб бир йилдан ошмаган енгил автотранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириш, ҳада этиш шартномаларини тасдиқлашчилик учун бож тўловлари — 9.390.000 сўмдан 13.146.000 сўмга- ча белгиланган.

Эр-хотинлар, ота-оналар, болалар ва наби- ралар, туғилган ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасида автотранспорт воситаларининг бу бо- радаги шартномаларини расмийлаштиришда эса бож давлат божии ставкалари 4-бандининг "к" кичик бандига мувофиқ, шу вақтга қадар амалда бўлган ставка бўйича, яъни 9390 сўмдан 13146 сўмга- ча ундирилади.

Йўлдош УЗОКОВ, Қарши шаҳар нотариуси 2-даражали адлия маслаҳатчиси.

— Катта ўғлим Тошкент Олий харбий техника билим юртининг тўртинчи курс курсанти, иккин- чиси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вази- рлиги академия- сининг биринчи курс тингловчи- си. Айтинг-чи, шуларни эътибор- га олган ҳолда менга жисмоний шахслардан олинадиган мол- мулк ва ер солиқларидан бирор бир имтиёз берилдими?

Феруза РАХИМБОВА. Бўстониқ тумани.

Имтиёз кўзда тутилмаган

— Солиқ кодексининг 275-моддаси 8-бандига биноан, жис- моний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича им- тиёз фақат мuddатли хизмат харбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига хизматни ўташ даврида берилди.

Ер солиғи бўйича мuddатли хизмат харбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига имтиёз кўзда тутилмаган.

И. ЎСАРОВ, Давлат солиқ қўмитаси бўлим бошлиғи.



— "Келажак овози" республика танловининг Тошкент шаҳар босқичи- да муваффақиятга эриш- дим. Агар танловнинг якуний босқичида голиб- ликни қўлга киритсам, ҳуқуқшунослик йўнали- ши бўйича олий ўқув юр- тига имтиёзли равишда кира оламанми?

А. ЭГАМОВ. Юнусобод тумани.

Ҳуқуқшунослик йўналиши белгиланмаган

— Ўзбекистон Республикаси Ва- зи- рлар Маҳма- сининг таълим му- асасаларига қабул қилиш тўғри- сидаги комиссия қарорига асосан "Келажак овози" республика тан- ловининг финал босқичи голиблари ўз йўналишлари бўйича олий ўқув юр- тларига тест синовларисиз, грант асосида ўқишга қабул қилинади. Танловнинг барча номинациялари- да ҳуқуқшунослик йўналиши белги- лаб ўтилмаган.

Б. ШАРОФОВ, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази бошқаруви раиси.

— Баъзан туғилган санини расмийлаштириш билан боғлиқ ҳужжатларда чалқашликлар учраб қолади. Масалан, менинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳ- номамда ёшимни бир йилга қамайтириб, нотўғри ёзилган. Бу эса, айрим ҳолларда, айтилик, паспорт олиш, нафақага чиқиш чевларига ноқулайлик келтириб чиқаради. Ён-атрофдагилар ушбу хатони тўғрилаш жуда қийин, анчагина овора бўласиз, дейишмоқда. Шундайми?

Хусниддин ИСМОИЛОВ. Янгиқўрган тумани.

Ёшнинг тўғрилатмаса бўлади

— Бу тузатса бўлади- ган ҳолат. Фуқаролик кодек- сининг 38, Оила кодексининг 228, 233-моддаларида бел- гиланган тартиб асосида фу- қаролик ҳужжатларидаги ёзувларни тузатиш ва ўзгартиришга етарли асо- слар бўлса ҳам манфаатдор

раси томонидан рад этил- са, мазкур ҳулоса устидан судга мурожаат қилиш мум- кин.

Жамолддин ЭРҲАШЕВ, Наманган вилояти адлия бошқармаси бошлиғи.

Хорижда ҳам фойдаланиш мумкинми?

— Бугунги кунда нақд пул ўрнида пластик карточкаларини ишлатиш русум бўлмоқда. Менда "Пахтабанк"нинг пластик карточкаси бор. Ундан хорижда ҳам фойдалансам бўладими?

И. ГОҲУРОВ. Андижон шаҳри.

— Ҳақиқатдан ҳам, хозирга келиб, ривожланган давлатлар қатори мамлакатимизда ҳам нақд пулсиз тўлов тизими, жум- ладан, пластик карточкалардан фойдаланиш оммалашмоқда. Чунки бундай тўловлар қўлай- лиги, ишончилиги ва тезкор- лиги билан ажралиб туради.

дўконларида, саёҳат давоми- да тиббий ёрдам ва юридик хизматлардан фойдаланишда қўлланса бўлади.

С. ИНАГАМОВ, АТ "Пахтабанк" бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари.

Яна саволларингиз борми, мухтарам газетхон? Хатларингизни кутамиз!

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази- рлар Маҳма- сини.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 25557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Манзилими: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — А. Болиев. Навбатчи — М. Охунова. Мусахҳач — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50. Тошпириқди — 22.20.